

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҮМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 44(65871)
1995 йил, 21 ноябрь, сешанба

Сотувда
эркин нархда

● **Обуна фаоллари**

МИНИ МАҚШАСА АРЗИЙДИ

Мактабдан барвақт қайтган Нигора ошхонада куйманаётган онасини маҳкам қучиб олди:

— Бир нарса сўрасам, «йўқ», демайсизми?

— Аввал айт-чи, нима экан?

— Бугун синфимизда «Тонг юлдузи»да чиққан мақола, шеърлардан ўқиб муҳокама қилдик. Кўпчилик обуна бўлди. Шулар қатори мен ҳам...

— Ўргулай газетхон қизимдан. Сен ўқийман дейсану, биз «йўқ» дермидик, — деди кулиб Нигоранинг ойиси.

Нигора Мамадаминова Тошкент шаҳар, Иброҳим Мўминов номидаги 113-мактабнинг 4-синфда ўқийди. Ақлли, аълочи, ойисига ёрдамчи, 2-синфда ўқийдиган Темурбекнинг сеvimли опажони. Унинг фазилатла-

ридан яна баъзилари: китоб ўқишни, мусиқа тинглашни яхши кўради. Баъзан ўзи шеърлар битиб, унга мусиқа ҳам басталайди.



Менинг Нигора ҳақида сизларга мактуб йўллашимнинг боиси, у ҳам обуна фаолларидан, ўзи биринчилар қатори «Тонг юлдузи»га ёзилиб, синфдошлари, мактабдошларини ҳам шунга ундамоқда. Ҳатто сеvimли газетамиз ҳақида шеър ҳам ёзган. Сиз ҳам ўқиб кўринг-а?

*«Тонг юлдузи» м. тонг келди,
Менга бир хуш бонг келди.
Газетамнинг қатида
Ўзбекиона онг келди.
Ундан ўргандим таълим,
Ундан орттирдим дўстлар.
Ўргандим меҳру шафқат
Одобу зебу зийнат.*

Ана шунақа. Нигорани минг мақтаса арзийди

Муҳайё АХМЕДОВА,
Тошкент шаҳар, Комил
Ёрматов номидаги мактаб
ўқувчиси.



БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Германия Федератив Республикасига расмий ташрифи бошланди.

xxx

Барчага сеvimли бўлган «Гулистон» журнали 70 ёшга тулди.

xxx

Республика урта маҳсус санъат мактаб-интернатининг 8-синф ўқувчиси Азамат Турдикулов Ҳиндистонда утказилган Жавоҳарлаъл Неру номидаги болалар расмлари халқаро танловининг голиби бўлди.

xxx

Япониядан республика «Соғлом авлод учун» жамғармасига 60 минг долларлик тиббий асбоб-ускуналар келтирилди.

xxx

Қашқадарё вилояти пахтакорлари давлат хирмонига 420 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» топшириб, йиллик режани адо этишди.

xxx

Навоий шаҳрида янги деҳқон бозори ишга тушди.

xxx

«Андижонсут» ҳиссдорлик жамиятида «Пахта» парҳез шифобахш ичимлигини ишлаб чиқариш йўлга қуйилди.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Мавсум бошлангандан буён муҳарририятимизда якка тартибда газетамизга обуна бўлаётган ўқувчилар ҳақида анчагина маълумотлар тўпланиб қолди. Шу боис «Обуна фаоллари» рукнини очиб, Нигора сингари болалар ҳақида ҳикоя қилиб боришга аҳд қилдик. Ҳат эзинг, кўнгирок қилинг, меҳмонимиз бўлинг. Сизларга мунтазимиз.

**Эслатиб ўтамыз:
Обуна баҳоси
Якка**

**обуначилар учун:
бир йилга
208 сўм, 80 тийин,
ярим йилга
104 сўм, 40 тийин.
Ташкилотлар учун:
бир йилга 312 сўм,
олти ойга 156 сўм.**

Ф СП-1

Ўзбекистон Алоқа Вазирлиги «Матбуот уюшмаси»
" **ТОНГ ЮЛДУЗИ** " **64563**
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна соми

1996 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манзил)

Қимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

рўзномани ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64563

п.в.	жойи
------	------

(нашр кўрсаткичи)

" **ТОНГ ЮЛДУЗИ** " (нашр номи)

обуна	баҳоси	сўм	обуна соми
янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	

1996 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манзил)

Қимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ЭРТАКЛАР ЯХШИЛИККА ЕТАКЛАР

Эртақ эшитганимизда ёки китоб ўқиганимизда беихтиёр гаройиб оламга тушиб қолгандай бўламиз. Афсонаю ривоятлардаги қахрамонлар ўрнида ўзимизни тасаввур қиламиз. Мана шундай ажойиб эртақ китобларнинг янги нашрлари чоп этилди. Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти «Олтин водий эртақлари» китобини босмадан чиқарди. Мазкур тўпламдаги эртақлар филология фанлари номзоди Эркин ака Худойбердиев ва Шаҳзода опа Худойбердиевалар томонидан республикамизнинг Фаргона, Андижон, Наманган вилоятларидан ёзиб олинган. Китобда ҳалоллик, тўғрилиқ, муҳаббат улугланади, одил подшоҳлару оқила қизлар, хунарли кишилар ардоқланади. Масалан, «Хунарли минг яшайди» эртагида ҳикоя қилинишича чол билан кампирнинг вояга етган олти ўғли бўлиб, уларнинг ҳеч қандай хунарлари йўқ экан. Отасининг қазосидан кейин она ўз ўғилларини тўплаб шундай дебди:

— Болаларим, энди ҳар кимнинг эшигида юриб, кун кўрганларинг етар, эл оралаб, хунар ўрганинглр.

Шундай қилиб олти ака-ука кунботиш билан кунчиқши мўлжал қилиб, йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, куш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган чўллардан, дала-даштрлардан ўтиб, бир шаҳарга етиб келибдилар. Бу шаҳарда бир осмонўпар қалъа бор экан. Бу ерда йигит кишига юз эмас, юз минг хунар ўргатишар экан...

Орадан уч йил ўтибди. Ака-укалар яна ўз юртларига қайтибдилар. Она ўз ўғилларини кўриб, роса қувонибди. Болаларини яна бир ерга тўплаб, нима хунар ўрганганликларини сўрабди.

Биринчи бўлиб энг катта ўғил сўз олибди:

— Мен алп қора кушни кўкка учиб, кичкина тўрғайдай бўлганда кўздан уриб тушира оламан, яъни мерганман.

Онага бу хунар маъкул тушибди.

ОЛТИ КИТОБНИНГ ОЛМОС САТРАЛARI

«Бир кун онам йўқолиб қолдилар. Қидирмаган жойимиз қолмади. Қоронгу тушай-тушай деб қолганда беркинган жойларидан чиқиб келяптилар, қўлларидан эса қандайдир китоб. Тавба, онам жуда қизиқлар-да, мунча китоб ўқишни яхши кўрмасалар, — деб ўлардим мактабга бормасимдан илгари. Ҳеч ким ҳалақит қилмасин деб, беркиниб олибдилар, ҳатто тушлиқ қилишни ҳам унутибдилар-а?! Ҳозир эса ўзим мактабда ўқийман. Бадиий китоб ўқишни жону дилимдан яхши кўраман», — деб ёзибди гулистонлик Баҳромжон бизга йўллаган мактубида. Яна янги босмадан чиққан китоблар ҳақида маълумотлар беришимизни илтимос қилибди. Куйида Баҳромжон сингари китобсевар болалар учун янги чоп этилган қизиқарли китоблар ҳақида маълумотлар берамиз.

— Етти йил бурун ўтиб кетган кумурсқанингни изини таний оламан, — дебди иккинчи ўғил. Онаси қувониб кетибди.

— Ер ўсти билан ер остида нима бўлаётганини бир қарашда биламан, — дебди учинчи ўғил.

— Мен кўз очиб юмгунча кема ясай оламан, — дебди тўртинчи ўғил.

— Мен эса юз одамни хоҳлаган таоми билан қорнини тўйдира оламан, яъни ошпазман, — дебди бешинчи ўғил.

— Мен хоҳлаган пайтда ерни ёриб, ичига кириб душманларимдан сақлана оламан, — дебди кенжаси.

— Қани онажон, айтингчи, қайси биримизнинг хунаримиз зўр?

— сўрашибди ўғиллари. Онаси эса «Хаммаси ўз ўрнида керакли хунар», дебди. Лекин ўғиллар кимнинг хунари зўрлигини билиш учун шаҳар подшоси Бўлмасхоннинг олдига боришибди...

Эртақнинг саргузаштлардан иборат давоми билан қизиқсангиз, шу китобни топиб ўқинг.

Мана шундай китоблардан яна бири, уйғур халқ эртақлари тўплами «Ақлли девона» китобини «Чулпон» нашриёти босмадан чиқарди. Ғижжакчи чивинларнинг қандай қилиб «Шап-шап шаҳри»ни забт этганини, ёки ибодатгўй мушукнинг ўтказган жабру зулми учун сичқонлардан кечирим сўраганини билмоқчи бўлсангиз, албатта, «Ақлли девона» китобини олиб ўқинг.

ДАҲШАТЛИ МЕШПОЛВОН

«Айтишларига қараганда ўша омадли Мешполвон келажакда ўз ишлари афсонага айланиб номи тарихда қолишни ҳали билмаган чоғларидаёқ ташки қиёфаси билан бошқалардан яққол ажралиб тураркан: икки лунжи ногора, бети офтобдан зогора, жағида эшак тепкиси нақшланган чандик, қорни нақ қирқ пудлик сандик, бурни мушукникидек пучук, елкаси баайни хурпайган чумчук, бўйни олдинга энкайган, кулоқлари диккайган, оёқ босиши иланг-биланг, боши Ёзёвон чўлидек яп-яланг, кўринишидан камгапу анқов, аслида маҳмадонаю мижгов, кўзлари бойкушникидек ола... Хуллас, росаям қизиқ бола экан» — деб таърифлайди ўз қахрамонини сеvimли ёзувчингиз Анвар Обиджон «Мешполвоннинг жанглари» номли қисса-сида. Сепкилшоҳнинг аскарлари тинч кишлоқни та-

лаб, кўпчилиқни кул ва чўри сифатида ҳайдаб кетишади. Бандилар орасида Мешполвоннинг ярадор дадаси ва кўзлари кийикникидек чиройли онаси ҳам бор эди. Кунлардан бир кун Мешполвон ўқловни найза, қозон қопқоқни қалқон, дасқаллани қилич қилиб, ота-онасини озод қилиш учун чўлоқ хачирда сеvimли ашуласини айтиб жангга жўнайди:

Олма едим бақалогидан,
Гилос едим чақалогидан,



Анжир едим япалогидан,
Дехқон бувайинг шапалогидан.

Ўзбек халқ дostonлари йулида ёзилган ҳам қувнок, ҳам мушоҳадаталаб қиссаси ана шу сафар саргузаштлари ҳақидадир. Шунингдек, китобдан муаллифининг «Қоринботир» достони ҳам урин олган. Юртимиз мустақилликка эришишидан илгари битилган бу икки асар гоёси бугунги кунимизга етишиш орзулари билан йўғрилгандир.

БЕТАКРОР ДАМЛАР

«Одам ёши улғая борган сайин болалигини кўпроқ кўмсай бераркан. Айни шу ҳолат мени болалик йилларимга етаклади. Устозлар ибратига кўра, болалиқка қайтиб иш кўришни хайрли деб билдим. Кўрган-кечирганларимни бир-бир хаёлимда тирилтираман. Ўша бегубор, беташвиш онлар, киндик қоним тўкилган макон, атрофимни куршаган кишилар, нарсалар, саргузаштлар ичига чуқурроқ шўнғиган сарим руҳимда ажиб бир енгиллик, кўтаринкилик сеза бошлайман. Кўз ўнгимда болалиқнинг серқирра, шўх-шодон, гаштли паллалари намоен бўлади. Ширин ҳис-туйғулар борлигимни буткул камраб аллалагандай туюлади...

Келинглр, азизларим, биргаллашиб болалик йилларимга саёҳат қилайлик...» деб ёзади Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги республика давлат мукофоти ва Х. К. Андерсен номидаги халқаро фахрий

диплом соҳиби, сеvimли ёзувчимиз Ҳаким Назир «Оқ фотиҳа» хотира-қиссасида. Китобдан адибнинг «Оқ фотиҳа», «Дадамни топиб беринглр» қиссалари ва «Сарвар билан Жавлон» ҳикояси урин олган. Биринчи хотира-қиссасида юқорида ёзувчининг ўзи айтганидек такрорланмас болалиқ хотиралари, қизиқарли саргузаштлари ҳикоя қилинади. «Дадамни то-

пиб беринглр» қисса-сида эса «Пахта иши» билан боғлиқ бўлган воқеалар ҳақида сўз боради. Фотима ўз отасининг гуноҳсиз эканлигига ишонади ва уни бор вужуди билан

ҳимоя қилишга интилади. Охирида ҳақиқат қарор топади.

АЛИШЕРНИНГ ЁШЛИГИ

«— Бобожон, ҳали-чи, мактабдан қайтар эканмен Абулқосим Бобур подшоҳга дуч келдим. Отининг кўрки-савлатига тўймадим, гўё дулдул дейсиз, тўёғига қадар тилло билан безатилган. Подшоҳнинг салласида чақнаган гавҳардин шуълалар олтин ҳалқалардек тўкилиб борурди. Атрофи тўла вазиру беклар...

— Э-э-э, тойчоғим-эй, подшоҳларнинг бири келиб, бири кетаверади. Сен мулло бўл, илмнинг қонини топсанг, бахт жигаси доим бошингда бўлғай!»

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг болалиқ даврларини ўз ичига олган «Бола Алишер» китоби «Чулпон» нашриёти томонидан чоп этилди. Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ёзиб қолдирган китоб биринчи марта тўла ҳолда Ойбекнинг вафотидан кейин, 1974 йилда «Гулистон» журнада «Алишернинг ёшлиги» номи билан босилди. Қиссада улуг бобомизнинг болалиқданоқ Оллоҳ берган зеҳнга, одобга эга бўлганлиги ҳаётини лавҳаларда акс эттирилади.

Бу китобни топиб ўқисангиз, нафақат Навоийнинг ёшлиқ даврларини балки унинг замондошлари, тарихий шахсларнинг ҳаёти ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар оласиз.

ҒАРОИИБУ АЖОЙИБКЕНТ

Ғаройибкент ҳали харитага тушиб улгурмаган антиқа

бир шаҳар. У ердаги даврахтлар дангасаларни кўриши билан шохларини олиб қолади, мевасини яширади, ҳатто соясини курсатмайди-я.

Болаларнинг сеvimли шоири Ҳамза Имонбердиевнинг «Ғаройибкент хангомалари» тўпламидан ана шундай ажойиб-ғаройиб саргузаштлардан иборат бўлган шеър, эртақлар ўрин олган. Айниқса, «Мажлисбозлар» шеърда ўқувчилар ўз синфини тоза тутишга келишиб олиш учун мажлис ўтказишади. Бироқ, мажлис узок чўзилиб, уша кун синф хонаси ювилмай қолади. «Чулпон» нашриёти томонидан чоп этилган шоирнинг ҳажвияга бой ушбу шеърини тўплами ҳам кичкинтойларимизга манзур бўлиши таин.

«ИБН СИНО»

Ёзувчи Мирзакарим Осим тарихий воқеалар асосида яратилган яна бир ажойиб, «Широқ» номли китобини ўз ўқувчиларига тақдим этди. Ундан сизга таниш бўлган Широқ, Тумарис, Ибн Сино каби қиссалари урин олган. Урта Осиё халқлари ижодининг ёрқин намуналаридан ҳисобланган бу қиссаларни ўқувчи қайта-қайта ўқиса ҳам ҳеч зерикмайди.

Барчанингни дардига дармон берган, ўз замонасининг етук табиби Абу Али ибн Синонинг болалиқ даврларини ўз ичига олган «Ибн Сино» қиссасини ким ҳам қизиқиб ўқимайди дейсиз? Китобда ёзилишича, 7—8 ёшли Ҳусайн ҳар кун тун яримгача ўтириб, юнон ва араб ҳукамоларининг тиб ва фалсафага доир китобларини ўқир, уйқуси келганда аллақандай бир ўтқи қайнатиб тайёрлайдиган доридан бир хўплам ичар, кўзи яна очилиб, зеҳни равшанлашар экан. Ёш Ҳусайн шунчалик кўп китоб ўқир эканки, баъзида унинг берган саволларига катталар ҳам жавоб тополмай қийналиб қолишаркан.

Азиз китобсевар болалар! Сизларга янги чоп этилаётган китобларнинг бешдан бир бўлагини қисман бўлса-да таништиришга ҳаракат қилдик. Уларни ўқишга қизиқиб қолган бўлсангиз, «Ўзтошкитоб»га қарашли барча дўконлардан харид қилишингиз мумкин.

Феруза ОДИЛОВА
тайёрлади.





Стул устидаги кунгироқ соатим жиринглаганда, мен уқийтган эртагимнинг сунгги бетини ёпган эдим. Эртақ таъсиридан чиқа олмай, оҳиста киина бошладим. Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Гушакни кутардим, ойим эканлар. Мактабдан қачон келганим, ҳозир нима иш билан шуғулланаётганим, боғчага боришни унутмаслигим ҳақида тайинлаб кўйдилар. «Ойижон, мана ҳозир кетяпман» дедим-да, кучага отилдим.

Ёмғир ҳамон эзилиб ёғарди. Соябонимни бошим узра очдим-да, худди катталардек салмоқланиб юра кетдим. Кетяпману тунов кунги синфдошим Журанинг гапи яна ёдимга тушиб қолди. Мен уйинқароқ эмишман. Ҳе, ургилдим сендек ақлдан. Ойимнинг буюрган юмушларини бажарсам, дукондан сут, нон келтирсам, укамни боғчадан олиб келсам, сенга яна нима керак, гийбатчи!

Синфда энг илғор ўқувчилардан бириман. Китоб ўқишда, расм чизишда олдимга тушадигани йўқ. Ҳатто тушларимда ҳам ўқиган китобларим қахрамонларини куриб чиқаман. Дам Шерлок Холмс билан суҳбатлашаман, дам узимни Сулаймон подшо тахтида кураман, дам қизилтанлилар билан биргаликда оқ танлиларга қарши жанг қиламан. Ҳали мушкетёрлар, узга сайёраликлар, айғоқчилар ҳақидаги қанчадан-қанча китобларим «мени ўқи!» деб навбат кутиб турибди.

Куп китоб ўқиганимдан булса керак, синфимиздаги айрим қитмир болалар менга «олим» деб лақаб ҳам кўйиб олишган. Ёнла-

ридан утиб қолсам, «олимга йул беринглар» деб калака қилишади. Айниқса, синфбошимиз Армандани ёқтирмайман. Исми ҳам жуда ғалати, французча исм эмиш. «Арманда нимани армон қилиб утирибсан?» дея жигига тегаман. Бу қизнинг чақимчилигини айтмайсизми? Нинанинг кузидай камчиликни туядай қилиб ўқитувчимизга етказди. «Болалар шанбаликка келишмади», «Хотин-қизлар байрамга деворий газета чиқаришмади» дея нолигани нолиган...

Ҳар хил уй-хаёллар билан қандай қилиб боғчага етиб келганимни билмай қолибман. Укамни кийинтиряпману у булса тинмай жаврагани-жавраган: — Ака, анави синфингиздаги Арманда бор-ку, жуда яхши қиз-да.

Бугун боғчамизга келиб, «Зумрад ва Қимат» эртагини ўқиб бердилар. Сиз булсангиз нукул узингиз ўқийсиз, менга ўқиб бермайсиз. Арманда опам келаси сафар келганларида дугоналари билан биргаликда бизга театр кўйиб берарканлар. Жон ака, сиз ҳам келинг, Зумрадинг отаси ролини уйнайсиз.

— Йўқ укажон, қўяқол. Мен сенга яхши си «Адолат»ни ўқиб бераман.

— Керакмас, — қайсарлик қилди укам. — Келмасангиз роса йиғлайман. Шундай деди-да узокдан келаётган дадамни куриб, ёнларига югуриб кетди. «Зумрадинг отаси» булсам булақолай, — уйлардим ичимда, — укам хурсанд булади.

Кидирбой Тўлабоев.

● Қизиқарли жумбоқларни ечинг

АКА СИНГИЛ НЕЧУЛА?

Бир оиладаги угил боланинг акаси йўқ, аммо сингисининг нечта акаси булса, шунча сингиси ҳам бор. Оилада нечта ака ва нечта сингил бор? Шунингдек, жаъми нечта фарзанд борлигини топинг-чи?

КУУПИДАГИ ҚАЙЧИЛАР

Икки қутининг ҳар бири-да 20 донадан қайчи бор эди. Муаллима меҳнат дарси бошланишидан олдин қутиларнинг биридан бир неча дона қайчи олди, сунг иккинчиси-

дан ҳам биринчи қутуда нечта қолган булса, шунча дона қайчи олди. Ҳар икки қутуда неча дона қайчи қолганлигини ҳисобланг-чи?

ЭШКАКЧИНИНГ УСУЛИ

Дарёдан огир чуян қувурни олиб утиш зарур эди. Қувур қайиққа ётқизилганда эшкакчига жой қолмади. Олиб утиш учун биргина қайиқдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Бироқ эшкакчи уйлай-уйлай, охири қайиққа утирган ҳолда қувурни нариги қиргоққа олиб утиш йули-

ни топди. Уйланг-чи, у қандай йул эди?

АВТОБУС ВА ВЕЛОСИПЕДЧИ

Автобус йуловчилар билан Тошкентдан Самарқандга йулга чиқди. Бир соат кейинроқ эса Самарқанддан Тошкент томон бир велосипедчи ана шу йулдан, албатта автобусдан анча секин йулга тушди. Автобусдаги йуловчилар билан велосипедчи учрашганларида улардан ким Тошкент шаҳридан олисроқ масофада булади?

Фозилжон ОРИПОВ тайёрлади.

● Тенгдошларинг ижодидан

НИҲОЛИМ

Сен ижод бўстони ўз ёғдунг ила,
Еритмоқ истаган юлдуз мисолсан.
Бу кўҳна дунёни тафаккуринг-ла,
Бойитмоқ истаган позик «Ниҳол»сан.
Сен менинг ардоқли чашмам, ҳилолим,
Кўкка буй чўзавер, позик ниҳолим.
Сен ижод гулшани ичра бўстонсан,
Ўзинг жажжжигина Ўзбекистонсан.

ГАР СЕНДАН СЎРСАЛАР

Гар сендан сўрсалар:
«Қайси юртдансан?»
Сен айтгин уларга «Бобур юртидан».
Сен дадил айтавер, жаҳон билади,
Алишер юртидан, Темури юртидан.
Унутма бобонинг Берунийлигин,
Ахир Американи очган киши у.
Нақшбанд бобом де, бутун дунёга,
Яхшилик уруғин сочган киши у.

Ҳилола ИСЛОМОВА.

Шеър ҳайратланишдан туғилади. Болалар эса ҳаминча оламга ҳайрат кўзи билан боқадилар. Фақатгина бу туйғуларни қоғозга тушира билмоқ керак...

Тошкентдаги Нодирабегим номли 265-мактабнинг 6-«Б» синф ўқувчиси Азиз Мирзаев ана шу иштиёқ билан қалам тебратмоқда. Бу йўлда у дастлабки қадамларни ташлаётган бўлса-да, самимий, ўйчан мисралари кишида умид уйғотади. Энг муҳими, Азиз ўз устида ишлашдан, ўқиб-ўрганишдан чарчмайди.

«Интилганга толе ёр», дейди халқимиз. Келгусида у яхши ижодкор бўлиб етишса, ажаб эмас. Унинг айрим шеърларини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

Носир МУҲАММАД.



ОҚ ЙЎЛ ТИЛАНГ

Оқ йўл тиланг, эй, шоир бобо,
Мен халқимнинг бахтини куйлай.
Мустақиллик завқидан шодон,
Республикам аҳдини куйлай.

Бу кунларга ета олмаган,
Боболарнинг қайгуларини.
Куйлай Усмон Носир, Қодирий
Дилда кетган орзуларини.

Дунёдаги барча болалар
Нидосини кўшиққа солай.
Оналарнинг мунгли алласин,
Садосини кўшиққа солай.

Изи беринг, эй, шоир бобо,
Қадам ташлай шеър оламига.
Элим билан бўлай ҳамнафас,

Шерик бўлай шодлик, ғамига.

САМОЛЁТ

Самолётим, тезроқ уч,
Булулар бағрини куч,
Сенда кўндир қувват-куч,
Қудратли самолётим.

Уч самовий йўлларда,
Достон бўлиб тилларда,
Меҳмон бўлиб элларда,
Шиддатли самолётим.

Қанотингга ўтказгин,
Бўронлардан ўтказгин,
Орзуларга етказгин,
Омадли самолётим.

МАЙМУНЛАР

Маймунларнинг тури кўп,
Яшашар бўлиб тўп-тўп.
Горилла, Орангутан,
Ўрмон уларга ватан.
Шимпанзею Мартишка,
Уста банан арчишга.
Баъзилари шўх, эпчил,
Сакрашар қушдай енгил.
Маймунларда бор бола,
Амаки, тоға, хола.
Яшашар иноқ, беғам,
Не топса кўрар баҳам.
Аммо бордир маслаҳат,
Хафа бўлманг сиз фақат:
Тақлид қилманг ҳеч унга,
Ўхшаб қолманг маймунга.

МИРЗАЕВ Азиз Рўзибой ўғли.

<p>ТОНГ ЮЛДУЗИ Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси</p>	<p>Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА</p>	<p>Таҳрир хайъати: Наримон ОРИФЖОНОВ, Феруза ЖАЛИЛОВА, Раҳима ШОМАНСУРОВА, Марат ШАФИЕВ, Сайриддин ХОЛОВ (масъул котиб)</p>	<p>ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г 0505. 11.000 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босингга тошириш вақти 19.00. Тоширилди — 18.30</p>	<p>● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137 ● Манзил: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. ● Телефон: 33-44-25</p>
---	---------------------------------------	---	---	---